

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “**Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили**”да амалга оширишга оид **давлат Дастури** ижросини туманда ташкил этиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Дастур ижросини ташкил этиш ва ўз муддатида сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича **туман ҳокимининг 2022 йил 15 февралдаги қарори билан (16-5-210-Қ/22 сонли) умумий қиймати 120,7 млрд.сўм ҳамда 100 минг АҚШ доллари бўлган 6 бўлим, 73 банддан иборат туман дастури тасдиқланган бўлиб. мутасадди раҳбарлар зиммасига белгиланган тадбирларнинг ижро ҳолати юзасидан маълумотларни белгиланган муддатларда туман ҳокимлигига киритиб бориш, доимий равишда халқ депутатлари туман Кенгаши мажлисларида давлат дастурини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси ижросини муҳокама қилиб бориш борасида бир қатор вазифалар юклатилган.**

Шунга асосан 2022 йил давомида Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан бир неча бор маълумот тақдим этилди. Жорий йил якунланаётган бўлсада Давлат дастурининг айрим бандлари ҳанузгача бажарилмаган ёки бажарилиши кечиктирилмоқда. Бугунги йиғилишда Давлат дастурида кўрсатилган топшириқлар юзасидан амалга оширилмаган ёки амалга оширилиши кечиктирилаётган масалалар юзасидан ҳисобот тақдим этишни лозим деб топдик. Ушбу масалаларга масъул раҳбар ва ходимлар хулоса қилишларини сўраймиз.

Иқтисодиёт тармоқларининг ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини бир бирлик ялпи ички маҳсулот ҳисобида 20 фоизга қисқартириш. Хавфлилик даражаси юқори ва ўрта бўлган йирик корхоналарда самарадорлиги 95 фоиздан кам бўлмаган чанг-газ тозалаш ускуналарини ўрнатиш.

Туманда жойлашган АШРАФ Х/К тегишли асфалт ишлаб чиқариш заводидаги Чанг газ тозалаш ускунаси 2021йил тўлиқ модернизация қилинди. Дастурда белгиланган кўрсаткич таъминланмаган.

Туманда мавжуд бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида ишлар олиб борилмаяпти (мисол учун кўмир ишлаб чиқариш корхонасида)

Экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Экспортни ривожлантириш дастури доирасида 2022 йилда экспорт ҳажмини 3,6 млн.долларга етказиш.

Туманда 2022 йил учун экспорт амалга ошириш режаси 3635,4 минг АҚШ доллари, шундан саноат маҳсулотлари 3154,1 минг АҚШ доллари, мева-сабзавот маҳсулотлари 481,3 минг АҚШ доллари этиб белгиланган. Январ – сентябр ойларида жами 3119,7 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалга ошириш режаси белгиланган бўлиб, экспортёр корхоналар томонидан амалда жами 4074,3 минг АҚШ доллари (режага нисбатан 131 %) миқдорида маҳсулотлар экспорти амалга оширилди.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2022 йилнинг 9 ойи давомида 8 фоизга бажарилган. (*йиллик режа 481,3 минг АҚШ доллари*)

Экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш.

Экспортчи корхоналарнинг транспорт харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тизимини қўшни давлатларга экспорт қилинган юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларга нисбатан ҳам қўллаш.

Бунда, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар рўйхатини ТИФ товар номенклатураси кодлари кесимида шакллантириш.

ТИФ товар номенклатураси кодлари кесимида шакллантирилган юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотларни қўшни давлатларга экспорт қилинганда транспорт харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш тизими жорий қилинмоқда.

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 2022 йилда даромадни камида 25 фоизга ошириш.

Туманда 1 та мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш.

Бунда, кластернинг мева-сабзавот ва юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ҳамда экспортдаги улушини ва иш ўринларини 2 бараварга ошириш.

Туман ҳокимининг 2022 йил 11 февралдаги 20-5-74-Q/22-сонли қарори билан Тоғлар замини кластери ташкил этилди.

Кластер томонидан бугунги кунда 40 гектар майдонда узум кўчатлари экилган.

Тумандаги мева-сабзавотчилик кластерларида 161 нафар доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсиш суръатларини камида 5 фоизга етказиш.

1. 2022 йилда деҳқончиликда ўсиш суръатини ўртача 6 фоизга ошириш чораларини кўриш.

(32,4 минг тн асосий турдаги мева-сабзавот, полиз, картошка маҳсулотларини етиштириш);

сабзавот экинларини 270 гектарга экиш ҳамда ўртача ҳосилдорликни 234 центнердан 260 центнерга етказиш;

картошка асосий майдонларини 351 гектарга етказиш ҳамда ҳосилдорликни 210 центнердан 230 центнерга етказиш;

полиз экинлари асосий майдонларини 192 гектарга етказиш ҳамда ҳосилдорликни 170 центнердан 200 центнерга етказиш;

70 гектарда интенсив боғлар ва 1,3 минг гектарда янги узумзорлар барпо этиш ҳамда ўртача ҳосилдорликни мевада 84 центнердан 110 центнерга, узумда 120 центнердан 135 центнерга етказиш.

2. 2022 йилда чорвачиликда ўсиш суръатини ўртача 4,9 фоизга ошириш чораларини кўриш. қорамоллар бош сонини 45.9 минг бошга, шундан сигирлар бош сонини 25.4 минг бошга, гўшт ишлаб чиқаришни 25,5 минг тоннага, сут – 41.9 минг тоннага етказиш. 20,8 млн дона тухум ва 0.8 минг тн парранда гўшти ишлаб чиқариш. 2.2 минг тонна балиқ ишлаб чиқариш белгиланган .

2022 йилнинг 9 ой давомида деҳқончиликда ўсиш суръати ўртача 3,3 фоизга оширишга эришилди.

1. Туманда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 270 гектар сабзавот экилган. 2021 йилда 90 гектар ер майдонига картошка экилиб, жорий йилда 280 гектар майдонда картошка экилиши таъминланди яни ўтган йилга нисбатан 190 гектар ортиқ экишга эришилди. Жорий йилда 351 гектар ер майдонига картошка экилиши режалаштирилган бўлиб, белгиланган режага нисбатан 71 гектарга кам ёки 79,8 фоизга бажарилган . 192 гектар полиз экинлари экилиши таъминланди.

Бундан ташқари 50 гектар майдонда интенсив боғ яратил ва 239 гектар майдонда янги узумзор экилиши таъминланди.

Бугунги кунда 6,4 минг тонна картошка ўтган йилга нисбатан 105,7 фоизга, сабзавотлар 8,4 минг тонна ўтган йилга нисбатан 119,3 фоизга, полиз 7,5 минг тонна ўтган йилга нисбатан 121,9 фоизга, мева 9,5 минг тонна ўтган йилга нисбатан 104,2 фоизга, узум 4,9 минг тонна ўтган йилга нисбатан 110,5 фоизга кўп деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Туманда 2022 йилда чорвачиликни ривожлантириш бўйича бугунги кунда қорамоллар бош сони 44,5 минг бошга ўтган йилга нисбатан 102 фоизга эришилди лекин жорий йилнинг режасига нисбатан 1.4 минг бошга кам ёки 96.9 фоизга бажарилди, шундан сигирлар 22,5 минг бошга эришилди лекин режага нисбатан 2.9 минг бошга кам ёки 88.6 фоизга таъминланган ҳалос, гўшт ишлаб чиқариш 17,8 минг тоннага эришилди ресага нисбатан 7,7 минг тоннага кам ёки атиги 69.8 фоизга таъминланган, Сут ишлаб чиқариш 28.6 минг тоннага ёки ўтган йилга нисбатан 102,2 фоизга етказилди лекин жорий йил белгиланган режага нисбатан 13,3 минг тонна кам ёки 68,3 фоизга бажарилди. Бундан ташқари 16,9 млн.дона тухум ўтган йилга нисбатан 115,5 фоизга ва 152 тонна балиқ ўтган йилга нисбатан 100 фоизга ишлаб чиқарилиши эришилди лекин жорий йил белгиланган режага нисбатан 2048 минг тонна кам ёки атиги 0,0006 фоизга бажарилган.

Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш.

Боғдорчиликка 1 та, узумчиликка 7 та худудларни ихтисослаштириш.

Ушбу худудларда плантация усулида 70 гектар мевали боғ, 315 гектар узумзор, 62 гектар сабзавот, 68 гектарга полиз, экилишини таъминлаш.

Боғдорчиликка 1 та, узумчиликка 7 та худудларни ихтисослаштириш белгиланган бўлиб, бугунги кунда Янгиҳаёт МФЙ ҳудудини боғдорчилик бўйича Жарма, Истиқлол, Янгитурмуш, Қадоқ, Чуя, Амир Темура МФЙлар худудларини узумчиликка ихтисослаштирилди;

Жорий йилга 70 гектар ер майдонида интенсив боғ яратилиши белгиланган бўлиб, жорий йилда 50 гектар ер майдонида интенсив боғ яратилди режага нисбатан 20 гектарга кам ёки 71,4 фоизга бажарилган. Шунингдек 315 гектар ер майдонида янги узумзор яратилиши белгиланган бўлиб жорий йилнинг ўтган 9 ой давомида 239 гектар ер майдонида янги узумзор яратилган режага нисбатан 76 гектарга кам ёки атиги 75,9 фоизга бажарилди, ҳамда 62 гектар сабзавот, 68 гектар майдонда полиз экинлари экилиши таъминланди.

Суғориш қудуқларини қазиш, 2022 йилда янги ва фойдаланишдан чиққан 1050 гектар ерларни ўзлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ҳамда маблағ ажратиш тизимини йўлга қўйиш.

Янги ва фойдаланишдан чиққан 1050 гектар ерларни ўзлаштириш бўйича режалар тасдиқланиб, бугунги кунга қадар 385 гектар ер майдонлари ўзлаштирилди. Шу жумладан Нурота давлат ўрмон хўжалиги томонидан 100 га, Нурота Қоракўлчилик кластери 200 га, "Хурсанд хўжа" Ф/Х 15 га, Сарв метани Х/К 40 га, Тошқудуқ мевалари МЧЖ 10 га, Тоғлар замини кластер МЧЖ томонидан 20 га ер майдони тадбиркорларнинг 796 млн. сўм ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилди.

Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш.

1. 2022 йилда 850 гектар майдонда томчилатиб суғоришни жорий қилган ҳолда, интенсив боғларни ташкил қилиш.

2. 2022 йилда 315 гектар майдонда токзор барпо этиш ва бунинг учун 346 минг дона кўчатларни етказиб бериш.

1. 2022 йилда 850 гектар майдонда томчилатиб суғоришни жорий қилган ҳолда, интенсив боғларни ташкил қилиш режалаштирилган бўлиб бугунги кунга келиб 200 гектар майдонда 5 та ташаббускор томонидан томчилатиб суғориш тизими тўлиқ ишга туширилган. Жорий йил учун белгиланган режага нисбатан 680 гектарга кам ёки 23,5 фоизга бажарилишига эришилди.

2. 2022 йилда 315 гектар майдонда токзор барпо этиш ва бунинг учун 346 минг дона кўчатларни етказиб бериш режалаштирилган бўлиб бугунги кунга келиб туманда 239 гектар майдонда 260 минг дона узум кўчатлари экилиши таъминланди. Жорий йил учун 76 гектар кам ёки атиги 75,9 фоизга бажарилган, узум кўчати экиш 86 минг донага кам ёки 75,1 фоиз бажарилган холос.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига камида 8.5 млн куб метр сувни иқтисод қилиш.

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш ва ирригация-мелиорация тадбирларини амалга ошириш ҳисобига сув ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича дастур ишлаб чиқиш.

1. Сув тежовчи технологияларни 2022 йилда 1,0 минг гектарда жорий этиш ҳисобига 8.5 млн куб метр сувни иқтисод қилиш.

Сув тежовчи технологияларни 2022 йилда 1,0 минг гектарда жорий этиш ҳисобига 8.5 млн куб метр сувни иқтисод қилиш ҳисоб китоб қилинган бўлиб бугунги кунда 328 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш, шунингдек, "Green beld Fergana" масъулияти чекланган жамияти билан тузилган шартномага асосан 70 комплект (1 комплект ўртача 15-20 гектар майдонга ўрнатилади) сув тежовчи кўчма полителин қувурлар келтирилиб фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига тарқатилди, ушбу тадбирлар ҳисобига 4,5 млн куб метр сувни иқтисод қилинди. Жорий йил учун белгиланган режага нисбатан 672 гектарга кам ёки 32,8 фоизга бажарилиши таъминланди ҳамда жорий йилнинг 9 ой давомида йиллик режага нисбатан 4.0 млн куб метр сув кам ёки 52.9 фоизга бажарилиши таъминланди.

Чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш:

чорвачилик соҳасида 10 та лойиҳани амалга ошириш бўйича молиялаштириш манбалари аниқ кўрсатилган манзилли дастурни ишлаб чиқиш;

2 минг 650 бош гўшт йўналишидаги тез етилувчан қўйларни янги зотларини кўпайтириш;

2 та чорвачилик субъектларини “наслчилик тоифаси”га ўтказиш;

аҳоли хонадонларидаги 10,3 минг бош (50,7 фоиз) сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш;

Паррандачилик йўналишида 1 та наслчилик хўжалиги ташкил этиш.

Инкубацион тухум ишлаб чиқаришни 1.3 млн донага етказиш;

паррандачилик йўналишидаги 1 та лойиҳани амалга ошириш;

аҳоли хонадонларига 60.7 минг бош парранда тарқатишни йўлга қўйиш. 1 та балиқчилик кластери ташкил этиш ва 92 та аҳоли хонадонларида кооперация усулида интенсив балиқ етиштиришни йўлга қўйиш;

1 та қайта ишлаш корхонасини ташкил этиш.

Асалари оилалари сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш:

2022 йилда асалари оилалари сонини 1,9 минг донага етказиш ва 33,7 тонна асал етиштиришни ташкил этиш.

Аҳоли хонадонларига 1.3 мингта асалари оиласини етказиб бериш.

Чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича 8 та янги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Шундан бугунги кунда Папанай-1 фермер хўжалиги томонидан 30 та қорамоллар сотиб олиниб 1 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари қўйчилик йўналишида 6 та лойиҳалар жами 4 млрд 180 млн сўм банк кредити, 2 млрд 700 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан маблағ йўналтирилиб, 2215 бош майда шохли моллар сотиб олиниб, 10 та янги иш ўринлари яратилган. Жорий йилнинг режасига нисбатан 435 тага кам ёки 83.6 фоизга бажарилиши эришилди.

Жумладан;

“Гулистон” ф/х жами 1 млрд сўм шундан, 650 млн сўм банк кредити, 350 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан жами 375 бош майда шохли моллар сотиб олиниб, 2 та янги иш ўринлари яратилган.

“Усто Амон” ф/х жами 500 млн сўм шундан, 500 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан жами 200 бош майда шохли моллар сотиб олиниб, 1 та янги иш ўринлари яратилган.

“Тошназарбобо” ф/х жами 3 млрд 500 млн сўм шундан, 2 млрд 500 млн сўм банк кредити, 1 млрд сўм ўз маблағи ҳисобидан жами 1000 бош майда шохли моллар сотиб олиниб, 3 та янги иш ўринлари яратилган.

“Қўйчибойота келажаги сари” МЧЖ жами 350 млн сўм шундан, 350 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан жами 120 бош майда шохли моллар сотиб олиниб, 1 та янги иш ўринлари яратилган.

“Анвар Мансур Миржахон” МЧЖ жами 1 млрд 300 млн сўм шундан, 800 млн сўм банк кредити, 500 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан жами 400 бош майда шохли моллар сотиб олиниб, 2 та янги иш ўринлари яратилган.

“Хусенбобо” ф/х жами 330 млн сўм шундан, 230 млн сўм банк кредити, 100 млн сўм ўз маблағи ҳисобидан жами 120 бош майда шохли моллар сотиб олиниб, 1 та янги иш ўринлари яратилган.

2 та чорвачилик субъектлари (Очил Наврўзов фермер хўжалиги, Қўрғон 2020 МЧЖ)ни “наслчилик тоифаси”га ўтказилди

Аҳоли хонадонларидаги 2022 йилда 10.3 минг бош сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 9 ой мобайнида 70 фоизга яъни 7312 бошга бажарилган.

Паррандачилик йўналишида 1 та наслчилик хўжалиги ташкил этиш бўйича туманда насли паррандачилик хўжалиги бўйича шуғулланадиган тадбиркорлар йўқлиги сабабли наслчилик мақоми берилмаган.

Аҳоли хонадонларига жорий йилга 60.7 минг бош парранда тарқатилиши белгиланган бўлсада жорий йилнинг ўтган даврида “Нурота ҳалол жўжа” МЧЖ ва “Нурота томорқа кластер” МЧЖлар томонидан 31.9 минг бош парранда тарқатишни йўлга қўйилди. Жорий йилга белгиланган режага нисбатан 28.8 минг бош ёки 52.6 фоизга бажарилишига эришилди. Балиқчилик бўйича “Нур-Ота Голд Фиш” МЧЖ томонидан кластер ташкил этиш ишлари олиб борилмоқда. Бундан

ташқари жаъмиятнинг Амир Темур МФЙ ҳудудидаги биносида 13 та балиқ боқиш учун мўлжалланган ҳовузлар қуриб тайёр ҳолатга келтирилган. Жаъмият томонидан аҳоли хонадонларига кооперация усулида интенсив балиқ етиштириш ишлари режалаштирилган бўлиб ушбу ишларни амалга ошириш учун корхона раҳбари томонидан туман Агробанкка 2 млрд. сўмлик банк кредити маблағларини олиш учун ҳужжатлар топширилган. Банк томонидан кредит маблағларини ажратиш ишлари кечиктирилмоқда. Асалари оилалари сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича ҳоким ёрдамчилари томонидан аҳолига 980 дона асалари уялари етказиб берилди ҳамда 18.6 тонна асал етиштириш ташкил этилди. Жорий йилда аҳоли хонадонларига 1.3 мингта асалари оиласини етказиб бериш режалаштирилган бўлсада режага нисбатан 320 тага кам ёки 75.4 фоизга бажарилишига эришилди. Шунингдек 33.7 тонна асал етиштириш режалаштирилган бўлиб ҳозирги давиргача режага нисбатан 15.1 тоннага кам ёки 55.2 фоизга бажарилиши таъминланди.

Чорвачилик озуқа базаси мустаҳкамлаш.

Чорва озуқа майдонини 2,3 минг гектарга етказиш;

озуқабоп экинларнинг серҳосил навларини кўпайтириш, йил давомида 2-3 марта ҳосил олиш ва ҳосилдорликни 1,2 баробарга ошириш;

туманда ем ишлаб чиқариш корхоналари қувватини йиллик 200 тоннага етказиш;

Чорвачиликда 2265 гектар ер майдонида чорва озуқа экинлари экилган. Жумладан 1628 гектар маккажўхори силоси учун, 625 гектар беда, 12 гектар хашаки лавлаги экилган. Шунингдек жорий йил учун 2.3 минг гектар ер майдонида чорва озуқа экинлари экилиши кўзда тутилган бўлсада 35 гектарга кам ёки 98.5 фоизга экилиши таъминланган. Тумандаги Истиклол қоракўл наслчилиги МЧЖ томонидан йиллик омухта ем ишлаб чиқариш қуввати 150 тоннага етказилди. Жорий йил учун 200 тонна ем ишлаб чиқариш режалаштирилган бўлиб режага нисбатан ҳозирги кунда 50 тоннага кам ёки 75 фоизга бажарилиши эришилди.

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ҳудудларнинг “ўсиш нуқталари”дан келиб чиқиб, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуришга алоҳида эътибор қаратиш. 2022 йилда туманнинг 2 та маҳаллалари архитектура қиёфасини тубдан яхшилаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш.

Бунда:

1. Дастурлар доирасида маҳаллалар рўйхатини шакллантиришда эътибор қаратиладиган мезонлар:

олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудда жойлашганлиги;

Халқ қабулхонаси ва маҳаллий ҳокимликга келиб тушган мурожаатлар сони; аҳоли ва тадбиркорлар ўзлари истиқомат қилаётган (жойлашган) ҳудудни биргаликда ободонлаштириш

юзасидан ташаббусларининг мавжудлиги; “Туризм маҳалласи” ёки “Туризм қишлоғи” мақомига эгаллиги.

2022 йилда туман марказидан олисдан жойлашган Жарма ҳамда Сентоб қишлоқларидаги мавжуд узоқ йиллик муаммоларни инобатга олган ҳолда “Обод қишлоқ” дастурига киритилган бўлиб лойиҳанинг умумий қиймати

33 288.8 млн. сўмни ташкил этади. “Сентоб” маҳалла фуқаролар йиғини Сентоб қишлоғида ҳозирги кунда 308 та хонадонда 1737 аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. “Жарма” маҳалла фуқаролар йиғини Жарма қишлоғида ҳозирги кунда 355 та хонадонда 1945 аҳоли истиқомат қилиб келмоқда. “Сентоб” қишлоғидаги бугунги кунда 308 та аҳоли хонадонларга бирма бир кириб, уй-жойларини тартибга келтириш, тозалаш ва ободонлаштириш, экин ерларига баҳорги экинлари экиш борасида тарғибот ишлари амалга ошириш мақсадида 9 гуруҳдан иборат 25 та корхона ва ташкилотлар раҳбари бириктирилган бўлиб амалий ишлар олиб бормоқда. “Жарма” қишлоғидаги бугунги кунда 355 та аҳоли хонадонларга бирма бир кириб, уй-жойларини тартибга келтириш, тозалаш ва ободонлаштириш, экин ерларига баҳорги экинлари экиш борасида тарғибот ишлари амалга ошириш мақсадида 8 гуруҳдан иборат 27 та корхона ва ташкилотлар раҳбари бириктирилган бўлиб амалий ишлар олиб бормоқда. Сентоб қишлоғи “Туризм қишлоғи” мақомига эга.

Республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш режалаштирилган.

Марказлашган ичимлик суви билан қисман таъминланган 7 та ва марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган 2 та маҳалла фуқаролар йиғинларида лойиҳа таклифлар ишлаб чиқиш ва ичимлик суви билан таъминлаш чораларини кўриш.

2022-йилда Жарма МФЙ Жарма қишлоғида 1 дона сув иншооти реконструкция қилиш ва 2,6 км сув қувурларини янгидан қуриш ишлари бошланган. Нурота туман маркази Нуробод МФЙда 0,5 км сув қувурлари (МФЙ ҳудудидаги ҳомийлар томонидан) янгидан қурилди.

Ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги 5 йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 баробарга ошириш.

Сервис соҳасини ривожлантиришнинг 5 йиллик мақсадли кўрсаткичларидан келиб чиқиб, 2022 йилда хизматлар ҳажмини 1,5 бараварга ошириш, 1864 та янги иш ўринларини яратиш ва 99 тадан ортиқ сервис объектларини ташкил этиш дастурни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104 сонли қарорига асосан туманда 2022 йил давомида 1864 та иш ўрни яратилиши белгиланган бўлиб, жорий йил январ-август ойлари давомида 2580 та иш ўринлари яратилиб белгиланган ёки йиллик режа 138,4 фоизга бажарилди. 133 та янги сервис объектларини ташкил этилишига эришилди. Жорий 2022 йил якуни билан 470,5 млрд.

сўмлик хизматлар кўрсатилиши ва унинг ўсиш даражасини 148,4 фоизга етказилиши белгиланган бўлиб, 9 ойда хизматлар кўрсатиш ҳажми 299,1 млрд. сўм ёки 113,5 фоизга бажарилиши таъминланган. Шу жумаладан Алоқа ва ахборотлаштириш хизматга 19,7 млрд. сўм, молиявий хизматлар 21,3 млрд. сўм, транспорт хизмати 65,0 млрд. сўм, яшаш ва овқатланиш хизмати 9,4 млрд. сўм, савдо хизмати 138,6 млрд сўм, кўчмас мулк билан боғлиқ хизмат 6,7 млрд. сўм, таълим соҳасидаги хизматлар 5,8 млрд. сўм, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар 1,2 млрд. сўм, ижара хизматлари 7,8 млрд. сўм, компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар 5,6 млрд. сўм, бошқа шахсий хизматлар 12,6 млрд. сўм, Меъморчилик соҳасидаги хизматлар 0,4 млрд. сўм, бошқа хизматлар 4,4 млрд.сўмни ташкил этади.

Сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш.

Тадбиркорликка қўшимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт улушини камайтириш. Бунда:халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, кузатилмайдиган (яширин) иқтисодиётни қисқартириш бўйича дастур ишлаб чиқиш.

Норасмий бандлик даражасини қисқартириш учун соҳалар бўйича манзилли ишлаш, норасмий фаолият юритаётган субъектларни расмий секторга жалб қилиш мақсадида рағбатлантирувчи механизмлар орқали яширин иқтисодиётдан олиб чиқиш.

Сервис соҳасида яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш.

Тадбиркорликка қўшимча қулайликлар яратиш орқали яширин иқтисодиёт улушини камайтириш. Бунда:халқаро ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда, кузатилмайдиган (яширин) иқтисодиётни қисқартириш бўйича дастур ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмаган.

Республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 2026 йилга қадар 9 млн нафарга етказиш.

1. Янги туризм йўналишлари ва маҳсулотларини тақдим қилиш.

Бунда: мутлақо янги йўналишлар, жумладан, туризм қишлоғи, зиёрат туризми маршрутлари, пляж, сувда ва чўл ҳудудларида дам олиш туризми тармоғини йўлга қўйиш; “Тўсиқсиз туризм”ни ривожлантириш.

2. Туманга ташриф буюрадиган хорижий туристларнинг сонини 2026 йилга қадар 10 минг нафарга етказиш.

Туманга ташриф буюрадиган хорижий туристларнинг сонини 2026 йилга қадар 20 минг нафарга етказиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб тасдиқланган. (Асос: 06.05.2022 й, 09-09/446) Жорий йилнинг апрел ойида Нурота тумани Деҳибаланд МФЙда "Ko'hna Nurota Bog'lari" МЧЖ дам олиш маскани фаолияти йўлга қўйилиб туманнинг туризм маршрутлари рўйхатига киритилди. 2022 йил январь-сентябр ойларида туманимизга жами 7645 нафар хорижий сайёҳлар ташрифи кузатилди.

Ички туризм салоҳиятини тарғиб қилиш орқали 2026 йилда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сони 1 млн нафардан ошириш.

Худудларнинг туризм салоҳиятига оид тарғибот материалларини тайёрлаган ҳолда оммавий ахборот воситаларида ёритиш ва инфотурлар ташкил қилиш.

2. Маҳаллий сайёҳлар сонини 2022 йилда 40 минг нафарга етказиш.

Ички туризм салоҳиятини тарғиб қилиш орқали 2026 йилда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сони 1 млн. нафардан ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланган. (Асос: 10.05.2022 й, 09-09/458)

Нурота ткуманининг туризм салоҳияти юқори бўлган худудларнинг салоҳияти ёритилган фото ва видеоматериалларидан иборат видеоролик тайёрланган. Ушбу видеороликларни шахримизнинг марказий кўчаларида ўрнатилган ЛЕД-мониторларда кун давомида намойиш етиб борилмоқда.

Нурота туманининг тарихий обидалари мажмуаси ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган 1000 дона буклет чоп етилди.

Айдаркўл, Сентоб туризм қишлоғи салоҳияти тарғиб қилинган икки нусхада 6000 дона флайер чот етилди.

Туманнинг туризм салоҳиятини кўрсатиб бериш мақсадида 2 та албом чоп етилди.

Республика ПР маркази ва вилоят ТВ га вилоятнинг Туризм салоҳияти ёритилган тарғибот материалларини тарғиб қилиш мақсадида хат чиқарилди.

Нурота туманнинг салоҳияти ҳақида Туризм ва маданий мерос бош бошқармасининг ижтимоий тармоқларида 1080 та туманнинг туризм салоҳиятини акс еттирувчи мақолалар чиқарилди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида туманга ташриф буюрувчи маҳаллий сайёҳларнинг сони 400 минг нафарга етди.

2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сони 2 баробар ошириш;

Жами 25 та жойлаштириш воситасини ташкил қилиш, шундан 2022 йилда 10 тасини фаолиятини йўлга қўйиш.

2026 йилгача жами 100 та жойлаштириш воситасини ташкил қилиш, шундан 2022 йилда 35 тасини фаолиятини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2022 -2026 йилларда қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлсада бугунги кунга қадар мазкур дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай амалий ишлар бажарилмаган ёки бир неча маротаба огоҳлантиришларга қарамасдан бажарилган ишлар тўғрисида туман ҳокимлигига ҳеч қандай маълумот тақдим этилмаган.

Юртимиздаги 8 мингдан ортиқ маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастури қабул қилиш.

1. Ишчи гуруҳ ташкил қилиб, тумандаги 51 та маданий мерос объектларининг ҳолатини ўрганиш ва муаммоларни аниқлаш.

2. Маданий мерос объектларини уч тоифа (авария, таъмирталаб ва қониқарли ҳолат)га ажратиб, рўйхатини шакллантириш.

3. Авария, таъмирталаб ва қониқарли ҳолатдаги маданий мерос объектларини аниқлаш.

4. Аниқланган рўйхат асосида ҳар йил реставрация, консервация, 3-D панжара билан ўраладиган объектларни белгилаш.

5. Маданий мерос объектларини рақамлаштириш ва уларнинг самарали бошқарувни йўлга қўйиш, жумладан рақамлаштириш, турникетлар ташкил қилиш, онлайн шаффоф чипта сотиш тизимини йўлга қўйиш.

6. Соҳадаги мавжуд муаммо, камчиликлардан келиб чиқиб, маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш.

7. Объектларни шаффоф ижарага бериш тизимини ташкил қилиш.

8. Соҳадаги ҳолат, ўрганиш натижаларига кўра маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш.

Маданий мерос объектларини ҳолатини ўрганиш ва муаммоларини аниқлаш бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилинган.

(Асос: Маданий мерос агентлигининг 13.05.2022 й, 01.22/123-сонли хати) Реставратсия ишларига ўта муҳтож бўлган маданий меърос объектлар 2 тоифага ажратилган. Маданий меърос объектларини рақамлаштириш ва уларнинг самарали бошқарувни йўлга қўйиш, жумладан рақамлаштириш, турникетлар ташкил қилиш, онлайн шаффоф чипта сотиш тизимини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Соҳадаги мавжуд муаммо, камчиликлардан келиб чиқиб, маданий мерос объектларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Ишчи гуруҳ ташкил қилинган бўлсада бугунги кунга қадар мазкур ишчи гуруҳ ўз ишига совуққонлик билан қараб дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ҳеч қандай амалий ишлар бажарилмаган ёки бир неча маротба огоҳлантиришларга қарамасдан бажарилган ишлар тўғрисида туман ҳокимлигига ҳеч қандай маълумат тақдим этилмаган. 2022 йил якунланаётган бўлсада тумандаги маданий мерос объектлари нечтаси қайси тоифага бўлинганлиги тўғрисида аниқ маълумот мавжуд эмас.

2022 йил якунига қадар

6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан қамраб олиш даражасини 90 фоизга етказиш.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида қўйидаги гуруҳларни ташкил қилиш:

тўлиқ кунлик гуруҳлар;

қисқа муддатли гуруҳлар;

мажбурий бепул тайёрлов гуруҳлари.

2022 йил январойида 10-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилоти очилди. тўлиқ кунлик гуруҳлар 7 та мажбурий бепул тайёрлов гуруҳлари 10 та очилди. Туман бўйича 3-7 ёшдаги болалар сони 6548 нафарни ташкил этиб, уларнинг 4628 (давлат 2994, нодавлат 1634) нафари ёки 70,7 фоизи мактабгача таълим билан қамраб олинган. Қамраб олинмаган болалар сони эса 1920 нафарни (29.3%) ташкил этмоқда.

Мактабгача таълим тизимида хусусий сектор маблағларини жалб қилиш орқали янги нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш. 2022 йилда 10 та оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш.

Нурота тумани, А.Темур МФЙ С.Эшон қишлоғи Равшанова Шаҳноза Абдумажидовна"ЯТТ, Нурота тумани, Жарма МФЙ Оққула қишлоғи Умирзоқов Худоев Амриддин ўғли"ЯТТ, Сайидато МФЙ Улуғбек кўчаси Мухаммедов Аминжон Нуриддинович, Темирқовуқ мфй Темирқовуқ қишлоғида Янгиобод кўчаси Йўлдошев Вахид Муфтиллоевич ЯТТ, Истикбол мфй Ф.Тошпўлатов 1-тор кўчаси 7-уйда Шукуров Ҳамроқул томонидан оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилиб, жами 92 нафар тарбияланувчи қамраб олинди, 18,4 фоизга оширилди. 10 та оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш белгиланган бўлсада шу давргача 5 та янги очилган.

Марказлашган лаборатория, стерилизация ва юқори технологик текширувлар тизимини ташкил этиш.Марказлашган лаборатория, стерилизация ва юқори технологик текширувлар тизимини ташкил этишга оид чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш.

Марказлашган лаборатория фаолиятини яхшилаш мақсадида 38505 сўмга реактивлар харид қилинди, аҳолига лаборатория хизматини яхшилаш мақсадида янги ташкил этилган А.Навоий ОШП га Лабораторий стол, стул,бинокулярний микроскоп,аппарат ФЭК, даятор, дистиллятор, набор реактивлар харид қилинди, аҳоли орасида эндокрин касалликларни эрта аниқлаш мақсадида глюкомер олиб берилди. ТТБ зарарсизлантириш бўлими иш фаолиятини яхшилаш мақсадида 2021 йилда “Нур Дента” хусусий корхонасига Аутсорсингга берилган.Чора тадбир режаси ишлаб чиқиб тасдиқланмаган ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича иш олиб борилмаган.

Хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш.

1. 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини

ошириш бўйича Миллий дастур ҳамда уни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.

2. Хотин-қизларнинг таълим олишига қўшимча шарт-шароитларни яратиш, илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрнини янада ошириш.

3. Хотин-қизлар ўртасида бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бепул ўқув амалий курсларини ташкил этиш, имтиёзли кредитлар ажратиш, хотин-қизларни ишга жалб қилган ҳолда кооперация усулида тадбиркорликни йўлга қўйиш.

4. “Аёллар дафтари”га киритилган ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш лозим бўлган хотин-қизларнинг тиббий муолажа харажатларини қоплаб бериш.

5. Оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш.

Ўтказилган хатлов натижаси бўйича шакллантирилган хотин-қизлар балансига кўра туманда 87467 нафар аҳоли, шундан 42392 нафари хотин-қизларни, туманда оила сони 21464 та, хонадон сони 15675 нафарни ташкил этади.

Бугунги кунда туманда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялаш, бандлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш олиб борилаётган ишларимизнинг асл моҳиятини ташкил этмоқда. Жумладан, тумандаги хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, бугунги кунда турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган 150 нафар хотин-қизлардан иборат “раҳбар аёллар заҳира”си шакллантирилди. 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланмаган ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича иш олиб борилмаган.

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш.

1. “Аёллар дафтари” орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш.

2. Орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тартиби ҳамда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва вилоят ҳокимлигига киритиш.

Фармон ижроси юзасидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш ҳамда фармон ижроси юзасидан 50 га яқин давра суҳбатлари, сайёр кабуллар, учрашувлар ўтказилди. Ўтказилган учрашувлар

натижасида 120 га яқин хотин-қизларнинг муаммолари ижобий ҳал этишга эришилди, 13 та нотинч оиланинг 9 таси нотинч оилалар рўйхатидан чиқарилди, 32 та оила яраштирилди, 4 нафар ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор хотин-қизларга мураббийлар бириктирилди, 80 нафарга яқин хотин-қизларга моддий ёрдамлар ажратилди. Шунингдек, тумандаги “Бўдик” МФЙда 30 та, “Янгитурмуш” МФЙда 20 нафар, “Қизилча” МФЙда 20 нафар, “Чуя” МФЙда 20 нафар, “Темирқовуқ” МФЙда 50 нафар хотин-қизлар тикувчилик, миллий ҳунармандчилик йўналишларида касб-ҳунарга ўқитилмоқда. Ушбу йўналишда касб-ҳунарга ўқитилган қизлар Янгитурмуш, Темирқовуқ МФЙларда ташкил этилган текстил тикувчилик корхоналарига муаммосиз бандлиги таъминланади.

Республика ҳудудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш.

Туманда 200 гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорларини барпо этиш.

Ўрмон фондининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида 1,8 минг гектар майдонда pista плантацияларини барпо қилиш.

ўрмон фонди ерларида 100,0 минг дона ниҳол ва кўчат етиштириш;

ўрмон фонди ерларида доривор ўсимликлар плантациялари майдон-ларини 100 гектарга етказиш.

Туманда 200 гектар майдонда ҳимоя ўрмонзорларини барпо этил белгиланган лекин шу давиргача таш кил этилмаган. Нурота Давлат Ўрмон хўжалиги томонидан Ўрмон фондининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида 450 гектар майдонда pista плантацияларини барпо қилинди.

Ўрмон фонди ерларида 85 минг дона ниҳол ва кўчат етиштирилди.

ўрмон фонди ерларида тадбиркор Сафаров Аслиддин томонидан 70 гектар, Ҳафизов Хайрулло томонидан 30 гектар майдонда доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилган.